O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 27 январь, чоршанба • № 8 (11.091) • Эркин нархда сотилади

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ФАРМОНИ**

### Ғ. Қ. Тешаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ғофуржон Қодирович Тешаев Миллий Хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари Бош штаби бошлиғи вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 22 январь.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 январь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кечаётган жараёнларга оид масалалар ушбу учрашувнинг бош мавзуи бўлди.

*(ЎзА).*

## НАВРЎЗ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

***ИЛК баҳорда юртимиз ўзгача тароват касб этиб, шаҳар ва қишлоқлар гўзаллашади. Айни шу фаслда умумхалқ байрами — Наврўз айёми кенг нишонланади. Шуниси қувончлики, ҳар йили бу байрам ўзининг янги-янги қирраларини намоён этиб, азалий қадриятларимизни, халқимиз маънавиятини қайтадан кашф этади. Наврўз шарофати билан юртимизда бунёдкорлик, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари янада авж олади.***

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисида ана шу ҳақда гап борди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси байрам ва юбилей тадбирларини ўтказиш дирекциясининг раҳбари Б. Шодиев, Маданият ишлари вазири Х. Жўраев мамлакатимизда умумхалқ байрамига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ахборот бердилар. Пойтахтда ўтадиган асосий байрам томошасининг режаси тўғрисида сценарий муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов ва байрам бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Р. Ҳамидовнинг маълумотлари тингланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахт ва вилоятларда ўтадиган байрам тантаналарига тайёргарлик бўйича ҳам ахборотлар тингланди.

Сўзга чиққанлар жойларда байрам тантаналарини уюшқоқлик ва юксак савияда ўтказишга катта эътибор қаратилаётганини, бу йилги байрам олдингиларига нисбатан шаклу шамойили, мазмун-моҳияти жиҳатидан ўзгача бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Жорий йил Президентимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилингани боис, байрам тадбиридаги ҳар бир чиқишда бу мавзуга алоҳида аҳамият берилаётгани айтилди.

Мажлисда Наврўз байрамини чинакам миллий ва халқчил руҳда ўтказишни таъминлаш лозимлиги қайд этилди ҳамда бу борада мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Ташкилий қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Исаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

*(ЎзА).*

# ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Ўзбек-Кобул» тўқимачилик қўшма корхонаси чет эл сармоядорлари билан биргаликда ташкил этилган ва вилоятимизда ишлаб турган шу турдаги барча корхоналардан катталиги билан ажралиб туради. Ҳатто, вилоятимиз иқтисодиётида ҳам салмоқли мавқега эга. Тўқимачилик саноатининг етакчи корхонаси ҳисобланади. Унда тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ҳам салмоқли. Бир йилда 24 минг тонна пахта толасини қайта ишламоқда, 21 миллион тонна калава ип йигириб, шартли 10 миллион метр хом сурп ишлаб чиқармоқда. Унинг қўшма корхоналар маҳсулоти ҳажмидаги салмоғи 45 фоиз атрофида бўлмоқда. Корхона барпо этилгандан бери бир маромда ишлаб, режаларни йил сайин тўла ва зиёдаси билан бажармоқда. Ҳар куни 60 тонна калава ип ва 40 минг метр хом сурп тайёрлаш бу ерда меъёр бўлиб қолган. Ортиқча ишланса ишланади-ю, лекин кам ишлашмайди. Шу туфайли буюртмалар ҳам белгиланган муддатларда уддаланади.

Қўшма корхона ички ва ташқи бозор учун ҳам ишламоқда. Ўнларча узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда мижозлари бор.

— Умуман барча буюртмачилар, айниқса, мамлакатимизга валюта олиб келиш манбаи бўлмиш хорижий мижозларимиз олдида бебурд бўлиб қолмасликка ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди қўшма корхонанинг кичик президенти Абдуҳошим ака Шералиев. — Уларнинг барча буюртмаларини вақтида етказиб бериш бизда қонунга айланган. Ҳар қандай шароитда ҳам ундан четга чиқмаймиз. Бу ҳам бозор иқтисодиётининг қатъий талаби ҳисобланади. Хорижга маҳсулот жўнатиш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳам шундан.

Корхона жамоаси 1997 йилда яқин ва узоқ чет эл мамлакатларига 39 миллион АҚШ долларилик маҳсулот жўнатган эди. Ўтган йили эса у 48 миллион долларликни ташкил этди. Бу йил тўқимачилар янада юқорироқ марраларни кўзламоқдалар. Экспорт ҳажмини 50 миллион долларликка етказиш режалаштирилди. Ҳозирги кунда корхона маҳсулотларини Олмония, Италия, Бельгия, Франция, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатлар сотиб олмоқда. Уларнинг қатори янада кўпайиб боришига шубҳа йўқ. Чунки «Ўзбек-Кобул» қўшма корхонаси тамғаси босилган маҳсулотлар жаҳон бозорига тобора кўпроқ кириб бормоқда, унда бемалол рақобат қилмоқда, айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан кўпчилик шу турдаги маҳсулотлардан устун келяпти.

Ички бозорга ҳам етказиб берилаётган маҳсулот ҳажми ортиб боряпти. Тайёрланган маҳсулотнинг салмоқли қисмини мамлакатимиздаги мижозлар оладилар. Ўтган йилнинг ўн бир ойида булар улушига тўғри келган маҳсулот ҳажми 68 миллион сўмлик калава ип ва 55 миллион сўмлик хом сурпни ташкил этди.

— Жамоамиз асосан маҳаллий ёшлардан иборат, — дейди А. Шералиев. — Ҳозир тўқимачиларимиз сафида 2350 нафар ишчи-хизматчи бор. Улар ишлаб чиқаришнинг барча мураккаб технологик жараёнларини муваффақиятли бошқармоқдалар. Ҳар бир ишни тез ва соз бажаришяпти. Маҳсулот сифати юксак мезонлар даражасида бўлишида уларнинг маҳорати замонавий дастгоҳлар билан уйғунлашиб, ҳал қилувчи роль ўйнаяпти.

Жамоа аъзолари самарали меҳнат натижасидан моддий манфаат кўрмоқдалар. Улар олаётган иш ҳақлари ошиб бормоқда. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам каттагина ҳажмдаги маблағ ажратилмоқда. Улар бепул овқатланяптилар. Корхона автобуслари хизматда.

Республикамиз пойтахтининг Кўкча даҳасида қўшма корхона филиали қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Бу ерда бозори чаққон янги маҳсулот — трикотаж тўқиш ўзлаштирилади.

— Қўшма корхонамиз самарали ишлашини амалда кўрсатиб турипти, — дейди А. Шералиев. — Жанубий Корея тадбиркорлари билан ҳамкорликда барпо этилган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳам, ички бозорда ҳам рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Шуни ҳисобга олиб, бундай корхоналарни кўпайтириш режалари тузилмоқда. Яқин келажакда уларнинг сонини ўнтага етказиш назарда тутиляпти. Бу эса мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг 240 минг тоннасини қайта ишлаш ва шу йўл билан катта даромад олиш имконини беради.

***Собир МУҲАМЕДОВ.***







***Ушбу суратларда корхонанинг хом сурп тўқиш цехи, ишлаб чиқариш илғорларидан ип йигирувчилар Назира Абдураҳмонова ва Нилуфар Мирзааҳмедоваларни кўриб турибсиз.***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

*Вилоят ҳокимлигида*

## ТЎЛОВНИНГ СЎРОВИ БОР

***ХАЛҚ хўжалигида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш масаласи бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлигининг мазкур масалалар билан шуғулланувчи комиссиянинг мажлислари ҳар доим қизғин ўтади, аниқ чора-тадбирлар белгиланади.***

Вилоят ҳокимлиги мазкур комиссиянинг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 декабрдаги Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг вилоят шаҳар ва туманларида бажарилишининг бориши масаласи кўриб чиқилди.

Вилоят комиссияси йиғилишида комиссия аъзолари, шаҳар, туман хокимларининг иқтисод масалалари бўйича муовинлари, солиқ идоралари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимлиги ахборот гуруҳи раҳбари, вилоят комиссияси раиси Жаҳонгир Файзиев бошқарди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан вилоят пенсия, бандлик, йўл жамғармалари, вилоят агросуғурта ҳамда вилоят солиқ идораси раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Комиссия йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси юқоридаги қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш, айниқса, бюджет тўловларининг вақтида тушишини таъминлаш юзасидан йўл қўйилган айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Кўрилган масала юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

## НАҚДИ ЎЗИНГИЗНИКИ

***ЖОЙЛАРДА нақд пул тушумини кўпайтириш, пул муомаласини тўғри йўлга қўйиш аҳолини зарур моллар билан таъминлашда, турли тўловлар ва нафақаларни етказиб беришда катта аҳамиятга эга. Вилоят ҳокимлигининг пул-кредит сиёсати масалалари бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилиши айнан шу масалага бағишланди.***

Йиғилишда 1998 йилда вилоятда нақд пул тушуми режасининг бажарилиши ва эмиссияни қисқартириш якунлари, нақд пул тушуми бўйича 1999 йил январь ойи касса режасининг бажарилиши муҳокама этилди.

Йиғилишда комиссия аъзолари, шаҳар, туман ҳокимликлари қошидаги комиссиялар раислари, солиқ, банк, савдо идоралари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари, мазкур комиссия раиси Жаҳонгир Файзиев бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят марказий банки бош бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Рофиев ахборот берди.

Шуни таъкидлаш керакки, 1998 йилда вилоятда нақд пул тушумини кўпайтириш, эмиссияни қисқартириш бўйича анча иш қилинди. Хусусан, декабрь ойида эмиссиясиз ишлашга эришилди. Ана шундай бир пайтда Чиноз, Тошкент туманларида, Бекобод, Ангрен шаҳарларида нақд пул тушумини кўпайтириш, эмиссияни қисқартириш бўйича етарли ишлар қилинмаётганлиги таъкидланди. Бу шаҳар ва туманларга камчиликларни тузатиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.

Комиссия йиғилишида 1999 йилнинг январь ойида пул муомаласини барқарорлаштириш, белгиланган касса режаларини бажаришни таъминлашга қаратилган қарор қабул қилинди.

## БОЗОРЛАРИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

***МАМЛАКАТИМИЗДА сўнгги йилларда бозорларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада ҳукуматнинг қатор қарорлари қабул қилинди. Вилоят ҳокимлиги тегишли идоралар билан биргаликда ана шу қарорларнинг ижросини таъминлаш, вилоят ҳудудидаги бозорларни янада кенгайтириш ва таъмирлаш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.***

Биргина 1998 йилда шаҳар ва туманлардаги деҳқон бозорларини таъмирлаш ва кенгайтириш ишларига 105 миллион сўм маблағ сарфланди.

Яқинда вилоятда бозорларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва 1999 йилда бу борада амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилди. «Тошвилоятбозорсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасига тегишли қурилиш ташкилотлари билан биргаликда замон талабларига мос янги бозорлар қуриш, қатор бозорларни қайта таъмирлаш, бозорларда деҳқонларга қулай шарт шароит яратиш учун аниқ чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.

Ана шу тадбирларга мувофиқ бу йил Зангиота туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи улгуржи бозор қурилиши охирига етказилади. Чинозда барпо этилган янги бозорни иккинчи босқичи бошланади. Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари, Бўстонлиқ, Паркент туманларидаги деҳқон бозорлари қайта таъмирланади.

Умуман, 1999 йилда вилоят бўйича бозорлар тизимида 240 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ўйлаймизки, бу ишларнинг ҳаммаси нафақат туман ва шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшади, балки аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашда, энг муҳими, уларда деҳқонларимиз учун қулай шарт-шароитлар яратишда катта аҳамиятга эга бўлади.

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

## АЁЛ — ҲАЁТ ГУЛШАНИ

***МАЪЛУМКИ, ОИЛАНИНГ бахти, шодлиги, ободлиги, саранжом-саришталиги аёл билан.***

Зеро, Тошкент тумани ҳокимлиги, маданият бошқармаси, маданият ходимлари касаба уюшмаси, туман газетаси ҳамкорликда «Аёл — ҳаёт гулшани» танловини ўтказаётгани бежиз эмас. Январдан то август ойигача давом этиб, мустақиллик кунида якун чиқариладиган бу танлов жараёнида ҳар бир хонадон соҳибасининг жамиятда тутган ўрни, бола тарбияси соҳасидаги тажрибалари, жамоатчилик ўртасидаги обрў-эътибори ҳисобга олинади. Биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади. Шунингдек, 5та рағбатлантирувчи мукофот ҳам берилади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳайъат аъзолари танлов шартлари қандай бажарилажаклигини синчковлик билан аниқлашга киришдилар.

***Носир РИХСИЕВ.***

## ТАНЛОВДАН ПАЛАТАГА

***ВИЛОЯТИМИЗДА ишбилармонлар сонининг ортиб боришида Янгийўл шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳиссаси катта бўлмоқда.***

Аҳоли орасида уюштирилган суҳбатлар, энг ишчан, қўли гул касб эгалари иштирокидаги танловлар яхши самара берди. Ўтган йилнинг ўзида кўплаб кишилар палатага аъзо бўлдилар. Натижада, 1997 йилда тадбиркорлар маҳаллий бюджетга 15 миллион сўмлик даромад келтирган бўлсалар, 1998 йилда бу кўрсаткич 35 миллион сўмни ташкил этди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш тури эса бештага ортди.

***Саид АҲМЕДОВ.***

## МИЖОЗ ИЗЛАШ ДАВОМ ЭТАДИ

***ВИЛОЯТИМИЗНИНГ экспорт салоҳиятида кимё саноати етакчи ўринларнинг бирини эгаллаб турипти. Биргина Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йили бир неча миллион сўмлик кимё маҳсулотларини яқин ва узоқ чет эл мамлакатларига етказиб берди.***

Корхона жамоаси сўнгги ойларда ҳам қатор хорижий мижозлар буюртмасини бажарди. Чунончи, Хитой, Швейцарияга катта ҳажмдаги кимё маҳсулотлари юборилди. Яқин чет эл мамлакатлари орасида Қозоғистон ва Қирғизистон ҳам бор. Бирлашма мутасаддилари жорий йилда ҳам экспорт ҳажмини кўпайтириш учун чет эллардан буюртмачилар излашни давом эттирмоқдалар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## МУҚОБИЛ ТАРКИБ АНИҚЛАНДИ

***ЦЕМЕНТ ишлаб чиқариш технологиясини яратишда кимёгар олимларнинг янги тавсиялари катта наф келтирмоқда.***

Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари изланишлари кутилган натижани берди. А. Эркахўжаева раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар Ангрен оҳактош корхонаси ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинати қўрғошин саралаш фабрикасида турли хил чиқиндиларнинг кимёвий-минерологик ва технологик таркибини атрофлича ўргандилар.

Айни вақтда мустаҳкам ва сифатли цемент олиш учун хом ашё аралашмасининг муқобил таркиби аниқланди. Улар олинаётган цементнинг сифатини янада оширишда қўл келди. Хом ашёларнинг куйдириш даражаси, қуюқлашуви ҳамда қотиш муддатларининг давлат андозаси даражасига мос келиши ҳам тажриба жараёнида исботланди. Олимлар тавсияси цемент ишлаб чиқаришда қўллаш учун тавсия этилди.

***Акбар АЛИЕВ.***

## АСОСИЙ ТАРМОҚҚА УЛАНДИ

***КЕЙИНГИ икки йил ичида Қуйичирчиқ туманидаги тўртта хўжаликка табиий газ келди.***

ТУМАНДАГИ «Дўстлик», «Юлдуз», «Ўжакент» жамоа хўжаликларидан сўнг Абай номли хўжалик меҳнат аҳли ҳам зангори оловдан баҳраманд бўлди. Яқинда хўжаликнинг маркази — Бешовул қишлоғига 4,2 километр узунликда ўрта босимли газ қувурлари тортиб келиниб, асосий тармоққа уланди.

Шунингдек, шоличиликка ихтисослаштирилган Навоий номли халқ корпорациясининг Шарқ қишлоғида истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларида ҳам янги йилдан буён табиий газ ёна бошлади.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

# ВИЛОЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг вилоят бўлими ташкил этилганига эндигина бир йилдан ошди. Шу қисқа вақт ичида у анчагина тадбирларни рўёбга чиқарди, режалар, истиқбол учун ўзига мос дастур белгилаб олди. Унинг иш мазмуни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнини, одамлар руҳиятидаги ўзгаришларни кенг оммага таъсирчан, жозибадор шаклларда етказишга қаратилган. Биз яқинда ижодий уюшма вилоят бўлими бошқаруви раиси Диёр МИРЗААҲМЕДОВ билан мулоқотда бўлдик.***

**— Диёр Акромович, республикада ҳам, вилоятимизда ҳам бугунги ўзгаришлар давридаги қайноқ ҳаётимизнинг кўзгусига айланиб бораётган «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси маънавиятимиз равнақига бўлган юксак эътибор белгисидир. Айни пайтда унинг бўлими Тошкент вилоятида ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бозор иқтисодиёти шароитида Сиз раҳбарлик қилаётган бу кичик «оила» қай тарзда шаклланмоқда?**

— Ўтган йилнинг 17 январида вилоят ҳокимининг қарори билан ташкил этилган бўлимимиз республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг устави асосида иш юритмоқда. Унинг мақсади вилоят ҳаётини турли ҳажмдаги рангли кўргазмалар, суратли лавҳаларда, рекламаларда намоён этишга қаратилган. Биз, асосан, шаҳар ва туманлардаги ҳокимликлар, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, муассасалар билан шартномалар асосида фаолият юритамиз. Буюртмаларга биноан меъморий обидаларни қайта таъмирлаш, турли қурилишлар учун лойиҳалар яратиш, ҳудудларни, маъмурий биноларни безаш, жиҳозлашни ҳам зиммамизга олганмиз. Албатта, бу ишлар энг малакали кадрлар томонидан сифатли амалга оширилиши керак. Ана шуни ҳисобга олиб меъмор, рассом, тарихчи, суратчи, компьютерда безаш устаси, реклама тайёрловчи, маркетинг ва бошқа ихтисосликларга эга бўлган 10 кишидан иборат бошқарув жамоасини шакллантирдик. Эндиликда низомимизга мувофиқ вилоят шаҳар ва туманларида ҳам ижодий уюшманинг бўлимлари ташкил этилмоқда.

Ҳозирги пайтда Қибрай, Пскент туманларида меъмор Мурод Холиқов, мусаввир Маҳбуба Назирова раҳбарлигида «Тасвирий ойина» бўлимлари иш бошлади. Қолган шаҳар ва туманларда улар очилиш арафасида.

**— Айтишингизга қараганда бажариладиган вазифалар кўлами анча салмоқли экан. Бу борада ҳали ечилиши зарур бўлган ишлар ҳам бордир.**

— Гапингизда жон бор. Жойлардаги бўлимларда лавозимлар ўрни икки-учтадан ошмайди. Аммо биз ёлғиз эмасмиз. Вилоят ҳокимлиги чиқарган қарорда бўлимимиз тизимига вилоят матбуот бошқармаси, маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази, республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар кўмаклашишлари, шаҳар ҳамда туманлар ҳокимликлари бажарадиган ишларимиз манзилларини белгилаб беришлари, зарур ашёлар билан таъминлашлари қайд этилган. Ўйлайманки, келгусида биз улар билан ҳамкорликда халқимизга вилоятдаги ўзгаришларни, янгиликларни турли маърифий услублар билан етказиб беришда салмоқли ишлар қиламиз.

## «Тасвирий ойина»: кеча, бугун, эртага

**— Сиз айтаётган ишларни бажариш учун маблағ зарур. Ташкилот иш бошлаганига эса энди бир йил бўлди...**

— Гапингизни тушундим. Бўлимимизнинг молиявий аҳволини сўрамоқчисиз. Умуман олганда биз хўжалик ҳисобида иш юритамиз. Банкда ўз ҳисоб рақамимиз бор. Лекин дастлабки кезларда вилоят ижтимоий тараққиёт жамғармаси моддий қўллаб-қувватлаши кўзда тутилган. Шунингдек, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 сентябрдаги қарори асосида уюшмага, унинг жойлардаги бўлимларига уставда кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш, хўжалик, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳам берилди. Бу саъй-ҳаракатлардан олинган даромадларимиз беш йил давомида солиқлардан, божхона ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа тўловлардан озод қилинган. Жойлардаги ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, жамоа хўжаликлари билан шартнома асосида тадбирларни рўёбга чиқаришимиз ҳам жамғармамизни маблағ билан мустаҳкамлаб боради.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, ҳукуматимиз томонидан берилган бу имтиёз ва эътибор туфайли қисқа муддатдаёқ бир қатор сезиларли ишлар қилинди. Хусусан, қатор шаҳар, туман марказларида, аҳоли гавжум ҳудудларда йўллар чеккаларига кўргазмали ахборот воситаларининг, эришилган ютуқларни тарғиб этувчи тасвирий суратлавҳалар ўрнатилди. Тинчлик, осойишталикка, мустақилликка, дўстликка, маънавиятни бойитишга даҳлдор шиорлар энг эътиборли жойлардан ўрин олди. Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Пскент, Зангиота, Қибрай, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида «Тасвирий ойина» марказлари очилди. Хусусан, Пскентда «Фахримсан, ифтихоримсан — Она юрт Ўзбекистон» деб аталган кўргазмалар мажмуи тарғибот маркази бўлиб қолди. Бундан ташқари, ижодий уюшма ташаббуси билан рассомчилик, бадиий асарлар бўйича «Энг азиз, энг улуғ» мавзуида танловлар ўтказилди. Ғолиблар мукофотландилар. Вилоятимиздаги «Дўстлик» ўйингоҳи жиҳозланди. Ангрен шаҳри, Қибрай, Юқоричирчиқ туманларида етакчи корхоналар, шунингдек, қатор жамоа хўжаликларида сурат-кўргазмалар ташкил этилди. Биноларни таъмирлаш, безаш ишлари олиб борилди. Вилоятдаги қатор бозорлар савдо маданиятига оид катта ҳажмдаги рангли расмлар билан жиҳозланди. «Оила», «Аёллар йили»га бағишланган суратли лавҳалар, матнлар ҳам ўтган йилги ва бу йилги ишларимиз самарасидир.

**— Энди келгуси режалар хусусида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.**

— Биз бу йил бадиий безакли ишлар билан бирга, рекламалар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқчимиз. Уларни топиш ва тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари билан яқиндан алоқа боғлаймиз. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида «Тасвирий ойина» бўлимларини очиш давом этади. «Аёллар йили»га бағишлаб «Аёл борки, олам мунаввар» мавзуида хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги, оиладаги, меҳнатдаги ўрнини кўрсатувчи сурат-лавҳалар тайёрланади. Вилоятимизнинг шоҳ йўллари ислоҳотлар бераётган самараларга, бунёдкорлик ишларига бағишланган кўргазмалар билан безатилади. Миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан боғлиқ катта ҳажмдаги рамзий тасвирий суратлар яратиш устида иш олиб борамиз. Наврўз, Мустақиллик байрамларини адиблар, санъаткорлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ходимлари билан ҳамкорликда шарқона қадриятларимизни, урф-одатларимизни талқин этувчи суратли кўргазмалар чиқаришга эътибор кучайтирилади. Бундан ташқари, биз ноширлик ишлари билан ҳам шуғулланишни режалаштирмоқдамиз. Хуллас, «Тасвирий ойина» вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни изчил рўёбга чиқараётган бунёдкор инсонлар манфаатига хизмат қилади.

***Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.***

*Муштарий мулоҳазалари*

# ҒЎЗАНИ ЯГАНА ҚИЛМАСЛИКНИНГ ИЛОЖИ БОРМИ?

***ЯНГИ йилнинг дастлабки ойлари ҳам ўтиб бормоқда. Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилган деҳқонларимиз айни дамларда янги ҳосил тараддудини кўрмоқдалар. Йўл қўйилган камчиликларнинг такрорланмаслиги чораларини белгиламоқдалар. Шу ҳақда ўйлар эканман, беихтиёр Президентимизнинг ривожланган мамлакатларда, хусусан, Исроилда пахтадан мўл ҳосил олинаётганлиги, биздагига нисбатан икки-уч баравар юқори бўлаётганлиги, уларнинг ютуқлари, тажрибаларини ўрганиш кераклиги ҳақидаги куюниб айтган гаплари ёдимга келади.***

Хорижликлар эришган ютуқ ва тажрибаларнинг моҳияти эса, аввало, уруғчиликка келиб тақалади.

Бизда ҳам уруғчиликка катта эътибор бериб келинмоқда. Бироқ, афсуски, янги нав чигити билан шуғулланиш кейинчалик ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Ҳаммаси хўжаликлардаги мутахассисларга, деҳқонларга қолади. Уруғлик чигит ихтисослашган хўжаликлар, бригадаларда экилиб, ўстирилади. Етиштирилган ҳосил қўлда териб олинади. Унинг чигити заводларда толасидан ажратилиб, тозалангач, кимёвий моддалар билан ишлов берилади. Қопларга солиниб, тахт қилиб қўйилади. Табиийки, бу жараёнда уруғликни сақлаш тартиб-қоидаларига тўла-тўкис амал қилиш мушкул бўлади. Бу хунук оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Далиллар айрим ҳудудларда экилган чигитнинг униб чиқиши 50 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади. Бу ҳол, албатта, деҳқонни ҳавотирга солади. Шунинг учун ҳам хўжаликлар гектарига нормадаги 30-40 килограмм ўрнига бир неча баравар кўп миқдорда чигит экадилар. Доғда қолмайлик дейди-да! Натижада бир гектар майдонда миллион донагача кўчат униб чиқади. Ортиқча ишчи кучлари, ўқувчилар, ҳатто ҳашарчилар жалб этилиб, бу ниҳоллар ягана қилинади. 90 фоизгача кўчат юлиб ташланади. Агар уруғлик чигитнинг 100 фоизигача униб чиқиши кафолатланса, табиийки бундай ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўйилмасди. Бунга қандай қилиб эришиш мумкин?

Менинг фикримча, уруғлик чигитни етказиб берувчи ва уларни саралочи корхоналар ташкил этилмоғи лозим. Бундай корхоналар жаҳоннинг илғор технологиясига таянган ҳолда иш олиб борадилар. Чет эл фирмалари билан алоқалар ўрнатиб, уруғликни тайёрлаш бўйича янгиликларни сотиб олиб, уларни ўзларида жорий этадилар. Шу тариқа чигитнинг юз фоизгача униб чиқишига кафолат бериш мумкин бўлади.

Бундай корхоналарда тайёрланган чигит ғоят қимматга тушиб кетиши мумкинку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, лекин 100 килограмм ўрнига 10 килограмм кафолатланган чигит сотиб олиб, уни эккан хўжалик пировард натижада зарар эмас, катта фойда кўради! Энг муҳими бундай чигитлар буғдой «усули»да экилмайди, балки керакли қалинликда доналаб экилади.

Ҳозирги кунда эса уяларга аниқ экадиган ана шундай механизмлар ғоят зарур бўлиб қолди. Лекин бундай сеялкаларни қаердан олиш мумкин? Агар юкни уловнинг олдига олиб келишнинг имконияти бўлмаса, у ҳолда уловни юкнинг олдига олиб келган маъқулроқ эмасми? Демоқчиманки, сеялкани ҳажми нотекис чигитни экишга мослаб бўлмаса қандолат фабрикалари ва доришунослик корхоналари технологиясидан фойдаланиб, чигитни шарча шаклига келтириш мақбул бўлади. Уруғ тайёрлашга ихтисослашган Голландия фирмалари шундай қиладилар. Уларда бундай чигитлар махсус қобиқ билан ўралади. Қобиқда ўсимликда учрайдиган ҳар хил касалликларга қарши кимёвий моддалар, ўсимлик униб чиқиши ва дастлабки ўсиш даврида керак бўладиган маъданли озуқалар ҳам мавжуд бўлади. Демак, экилгач, бундай чигит тез, соғлом униб чиқади ва ривожи кўнгилдагидек бўлади.

Биз чигитни аниқ экишга эришадиган бўлсак, табиийки, катта иқтисодий самара кўрилади, муҳими, ҳосилдорлик анча ортади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Якка бўлиб ўсган кўчат билан то ягана қилиниб, қолдирилгунгача бошқа кўчатлар билан бирга озуқани, қуёш нурини талашиб ўсган кўчат ўртасида фарқ ер билан осмонча! Албатта, якка ўсган кўчат бақувват ва серҳосил бўлиб етилади. Унча-мунча касалликларга бўй бермайди. Ўтган йилги шароитда баъзи хўжаликларда ягана ҳатто июнь-июль ойларигача чўзиб юборилганини ҳисобга оладиган бўлсак, илғор технологияни қўлланиб, мосланган агрегатлардан фойдаланиб, аниқ экилган чигит кўчатининг ҳосилдор бўлиб ўсишига, демакки, хирмонларимизнинг залворли бўлишига шубҳа қолмайди.

Мен ўзим ўйлаб юрган, дилимдаги шахсий фикр ва мулоҳазаларимни айтдим, холос. Энди буёғи мутасаддиларга, мутахассисларга, қишлоқ хўжалиги етакчилари-ю, тажрибакорларга боғлиқдир.

***Пўлат ХАЛИЛОВ,***
***Пскент шаҳрида истиқомат қилувчи фахрий, физика-математика муаллими.***

*Миллий дастур*







# МАКТАБ ҚАД КЎТАРМОҚДА

КАДРЛАР тайёрлаш Миллий Дастурида кўзда тутилган режалар орасида замонавий ўқув даргоҳларини барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги таъкидланган. Худди ана шундай билим муассасаларида пухта билим олган ёшлар академик лицейлар, ҳунар-касб коллежларида таҳсил олишни муваффақиятли давом эттиришлари шубҳасиз.

Айни пайтда давр талабига мос ўқув даргоҳларини бунёд этишда халқ таълими ходимлари билан биргаликда корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарларининг ўрни ўзгача. Тошкент туманининг Ғиёс Умаров номли ширкат хўжалиги бошқаруви бу борада катта иш қилмоқда. Бошқарув бу ерда қад кўтараётган мактабни қуриш билан банд бўлган усталар, бинокорларга ишнинг жадал боришиучун барча қулай шарт-шароитларни яратиб берган. Уларни вақти-вақти билан ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб бормоқда.

**СУРАТЛАРДА: уста (чапдан ўнгга) дурадгор Ғайрат Зуфаров ўз устози Забихилла Каримов билан иш устида; бунёд этилаётган 1240 ўринли мактабнинг умумий кўриниши; ҳар кунги топшириқни ошириб адо этаётган Иброҳим Юсуповнинг кайфияти ҳамиша аъло.**

***Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.***

# БОЛАЛАР ВА ОНАЛАР УЧУН

***ПОЙТАХТДАГИ «Аркада» савдо марказида машҳур «Глобал Трейдинг Компани» компаниясининг товарларини сотишга ихтисослашган болалар ва бўлажак оналар учун мўлжалланган яна бир магазин очилди.***

— Биз шуғулланаётган иш ўзимизга алоҳида қувонч бағишлайди, — деди «Глобал Трейдинг Компани» бош директори Муниш Бхарат журналистлар олдида сўзга чиқиб. — Бу шунчаки фойдани кўзловчи бизнес эмас, балки Ўзбекистон аҳолиси учун жуда зарур ишдир. Азалдан болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинади. Бизнинг мақсадимиз эса бу ишда ёрдам беришдан иборат.

1997 йилнинг кузида дастлабки магазинни очаётганимизда шундай магазинларнинг бутун бир тармоғини барпо этамиз, деб ваъда қилган эдик. Кўриб турибсиз, ваъдамизни бажаряпмиз. Дастлабки магазин Оила йили арафасида, иккинчи магазин Аёллар йилида очилиши рамзий маънога эга.

Янги магазин шаҳар марказида жойлашган. Бу ерда Буюк Британияда ишлаб чиқарилган минг хилдан ортиқ буюмлар сотилади. Республикамизда шу вақтга қадар товарлар бунчалик мўл бўлмаган эди.

Биринчи бўлимда икки ёшдан етти ёшгача болаларга мўлжалланган товарлар сотилади. Иккинчи бўлимда эса ҳамма нарса янги туғилган чақалоқлар ва икки ёшгача болаларга мўлжалланган. Учинчи бўлимга хилма-хил ўйинчоқлар, аравачалар, кичкинтойларни парвариш қилиш воситалари қўйилган. Шу ерда каравот, стулчалар, автомобилга ўрнатиладиган болалар креслолари ва бошқа буюмларни танлаб, харид қилиш мумкин. Тўртинчи бўлим бўлажак оналар учун кийим-кечаклар, ички кийим, баданни парваришлаш воситаларини сотишга мўлжалланган.

Бу ерда кўп харидорлар учун янгилик ҳисобланадиган товарлар ҳам бор. Масалан, болалар учун хавфсизлик воситалари — чақалоқ уйғонгани ҳақида хабар берувчи мосламалар, чала туғилган болалар учун махсус кийимлар, кичкинтойларни транспортда ташиш учун креслолар ва бошқа буюмлар бор.

Янги магазиннинг очилиши кичкинтойларга ва уларнинг ота-оналарига қувонч бағишлаши шубҳасиз.

***Д. САИТОВА,***
***ЎзА мухбири.***

# «КАРЛ ШТОРЦ» СОВҒАСИ

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббиёт-ижтимоий марказига 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббиёт жиҳозлари келтирилди. Бу ноёб аппаратурани Германиянинг «Карл Шторц» фирмаси ҳадя қилди.*

— Мамлакатимизда аёллар ва болалар саломатлигига катта эътибор берилмоқда, — деди жиҳозларни топшириш маросимида «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошева. — Бу борада бир қанча давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Жамғармамиз ҳам бу дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бу ишда бизга кўпгина шерикларимиз, жумладан, «Карл Шторц» сингари хорижий шериклар ёрдам бермоқда. Тиббиёт-ижтимоий марказимизга мазкур ноёб аппаратуранинг етказиб берилиши республикамиз тииббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт жиҳозлари билан жиҳозлашдаги янги бир қадамдир.

***А. ИВАНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

*ХОТИРА*

# ФИДОЙИ ДЕҲҚОН ЭДИ

***ЎРТА бўй, тўладан келган, шоп мўйлови ўзига ярашиб, юз-кўзларидан доимо нур ёғилиб турадиган бу камтар, меҳнаткаш инсонни фақат «Қорасув» жамоа хўжалигида эмас, туманда, ҳатто, вилоятда ҳам кўпчилик танирди, ҳурмат-иззатини жойига қўярди. У билан учрашган, мулоқотда бўлган одамлар гап Абдураҳим Шерматов тўғрисида бораётганлигини пайқаб олган бўлсалар ажаб эмас.***

Асли фарғоналик Абдураҳим отадан жуда эрта ажралди. У тўққиз ёшидан бошлаб бойларга ёлланди. Қўй боқиб, кун кўра бошлади. Ҳаётнинг аччиқ-чучуклари ёш Абдураҳимни жуда барвақт «вояга» етказди. Жамоа хўжаликлари ташкил этила бошлагач, биринчилар қатори аъзо бўлиб кирди. Тақдир тақозоси билан «Қорасув» жамоа хўжалигига оиласи билан кўчиб ўтди. Деҳқон йигит тез орада ҳамқишлоқларининг ўз одами, ўз миришкорига айланди. Туп қўйди, палак ёзди.

Бу орада урушда қатнашиб, йигитлик бурчини ўтади. Елкасидан ўқ еб, оғир яраланиб қайтгач, яна ўзини меҳнатга урди. Уни бригада бошлиғи қилиб кўтардилар. Абдураҳим деҳқонларнинг кўнглига йўл топиб, сабзавот ва картошкадан юқори ҳосил етиштира бошлади. Бригаданинг довруғи вилоятдан ташқарига ҳам кенг ёйилди.

У доимо изланишда бўлди. Бир майдондан йилига икки-уч марта ҳосил кўтаришнинг ҳаддини олди. Шаҳар аҳолисига арзон, беғубор сабзавот маҳсулотларини мўл-кўл етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилар эди. Плёнка тагида сабзавот ўстириб, эртаки ва юқори ҳамда сифатли маҳсулот етиштиришда ҳам Абдураҳим аканинг тажрибаси бошқалар учун қўл кела бошлади.

У устоз-мураббий сифатида ҳам обрў орттирди. Унинг қўлида таҳсил олган — деҳқончилик мактабида сабоқ кўрган шогирдларининг бири бригада бошлиғи, бири бош ҳосилот ва бошқа лавозимларда ишлар эди. Ҳозир ҳаёт бўлганларида саксон ёшга кирган бўлардилар.

— Абдураҳим ака бағри кенг, дилкаш, самимий инсон эдилар, — дейди ҳозирги кунда «Намданак» маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаётган шогирди Ҳусниддин Чўтбоев. — Улар тартиб-интизомни жуда яхши кўрар ва бизни ҳам шунга ундар эдилар. Яхши ишларимизни мақтаб, руҳлантирар, нуқсонларга йўл қўйсак, ётиғи билан тушунтирардилар. Иш юзасидан баъзан қаттиқ-қуруқ гаплар бўлиб қолса, кўнгилларингга озор бермадимми, деб кечирим ҳам сўраб қўярдилар.

Абдураҳим ака чиндан ҳам элнинг суюкли, ардоқли, фидойи фарзанди эдилар.

Дарҳақиқат, Абдураҳим Шерматов эзгу, хайрли ишлари билан ўзига ҳайкал қўйиб, қишлоқ аҳли хотирасида абадий муҳрланиб қолган инсондир.

***Мирза АҲМЕДОВ,***
***«Нуроний» жамғармаси Зангиота бўлимининг бошлиғи.***

